

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.29.11.2018.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ ФАРХАД ФАХРИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ
ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD) in
philological sciences**

Усманов Фархад Фахриддинович

Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи.....3

Усманов Фархад Фахриддинович

Лингвокультурное исследование сравнений в узбекском языке.....27

Usmanov Farkhad Fakhriddinovich

Linguocultural investigation of similes in the Uzbek language.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works55

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
Dsc.29.11.2018.Fil.46.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВ ФАРХАД ФАХРИДДИНОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ЎХШАТИШЛАРНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ
ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil326 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим порталининг www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Худойберганова Дурдона Сидиқовна**
филология фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар: **Йўлдошев Маъруфжон Муҳаммаджонович**
филология фанлари доктори

Сапарниязова Муяссар
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.29.11.2018.Fil.46.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Шаҳрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел: (871) 233-36-50; факс: (871) 233-71-44; e-mail: uztafi@academy.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 700100, Тошкент шаҳри, Зиёлилар кўчаси, 13-уй. Тел: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.М.Маҳмудов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ё.Р.Одилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, ф.ф.д., катта илмий ходим

И.Ж.Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси ўринбосари,
ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX аср охиридан бошлаб тилни антропоцентрик ёндашув асосида тадқиқ этиш барқарорлашиб, бугунги даврда лисоний бирликларни миллат маданияти билан алоқадорликда ўрганувчи лингвомаданиятшунослик тармоғи истиқболли йўналишга айланди. Сўнги ўн йилликларда тилни ўз соҳиби, унинг миллий менталитети, миллий маданияти билан бирга тадқиқ этишга эътибор кучайди. Бу тилшуносликда инсоннинг олами ўзлаштиришдаги муҳим когнитив фаолияти бўлиши ўхшатиш амалиётининг натижаси бўлган турғун ўхшатишларга ҳам миллатнинг миллий-ментал хусусиятларини акс эттирувчи муҳим лингвомаданий восита сифатида қараш эҳтиёжини юзага келтирди. Зеро, миллий менталитетга хос турғунлашган ахлоқ қоидалари, қадриятлар, халқнинг миллий тафаккури билан боғлиқ жиҳатлар тилнинг асрлар давомида шаклланган барқарор бирликларида ёрқин акс этади.

Дунё тилшунослигида тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабатдорлиги масаласи антик даврдан бошлаб файласуф ва тилшунослар эътиборини ўзига жалб этиб келган. Шунга қарамай, қиёсий-тарихий тилшунослик ҳукм сурган XIX асрда тилшуносликнинг эътибор марказида тилларнинг қариндошлиги масаласи бўлди. XX асрда систем-структур тилшуносликнинг ривож топиши ва унинг тилни асосан имманент тарзда ўрганишга бўлган ҳаракати тилнинг субъектига эътиборни сусайтирди. XX аср сўнги ва XXI аср тилшунослигида тил антропологик ҳодиса сифатида тан олиниб, асосий эътибор лисоний ҳодисаларни инсоннинг когнитив табиати ҳамда миллий-маданий хусусиятлари билан биргаликда тадқиқ этишга қаратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зеро, «Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»¹. Шунинг учун «биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз»². Бу тилимизни миллий онг ва миллий тафаккурнинг ифодаси сифатида лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этиш, унинг бетакрор жозибасини кўрсатишга қаратилган изланишларни ҳам фаоллаштиришни тақозо этади. Хусусан, ўзбек тилидаги ўхшатишларни

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. Манба: <http://lex.uz/docs/4561730>

²Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи /Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – №196 (6860).

лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этиш ўзбек миллатининг менталитети, миллий онгининг ўзига хосликлари, қадриятлари тизими моҳиятини ёритишда долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртдан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги «Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 304-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё фалсафаси ва тилшунослигида тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабатдорлиги масаласи дастлаб антик давр файласуфи Арасту, кейинчалик Вилгельм фон Гумбольдт, Э.Сепир, Б.Уорф, Л.Вайсгербер асарларида, замонавий тилшунослик доирасида Д.С.Лихачев, Н.Д.Арутюнова, В.Н.Телия, В.И.Карасик, С.В.Иванова, В.А.Маслова, З.К.Сабитова, Н.Ф.Алефиренко³ каби олимларнинг тадқиқотларида ёритилди.

Ўхшатишларнинг морфологик, мазмуний ва стилистик тадқиқига бағишланган ишлардан рус тилшунослигида М.И.Черемисина, Л.А.Лебедева⁴; ўзбек тилшунослигида Р.Қўнғуров, М.Мукаррамов,

³Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка / Русская словесность: Антология / под ред. В.П. Нерознака. – М.: Академия, 1997. – 317с.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека, 2-е изд. испр. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1998. – 896с.; Телия В.Н. Русская фразеология: семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. – М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. – 288 с.; Карасик В.И. Лингвокультурные концепты: подходы к изучению / Социоллингвистика вчера и сегодня. Сб. научных трудов. – М., 2004. – С. 136-146.; Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. ...д-ра филол. наук. – Уфа, 2003. – 364 с.; Маслова В.А. Лингвокультурология. – 4-е изд., стер. – М.: Академия, 2010. – 208 с.; Сабитова З.К. Лингвокультурология. – М.: Флинта: Наука, 2013. – 528 с.; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. – М.: Флинта, Наука. – 2014. – 283 с.

⁴Черемисина М.И. Сравнительные конструкции русского языка. – Новосибирск: Наука, 1976. – 239 с.; Лебедева Л.А. Устойчивые сравнения русского языка во фразеологии и фразеографии. – Краснодар, 1999. – 196 с.

Д.Худойбергана⁵ларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. Н.Маҳмудовнинг ўзбек тили турғун ўхшатишлари ҳақидаги мақолалари⁶ ўзбек тилшунослигида ўхшатишларни лингвомаданий жиҳатдан ўрганишга қаратилган дастлабки тадқиқотлар ҳисобланади. Шунингдек, Н. Маҳмудов ва Д.Худойбергана⁷лар томонидан тузилган «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»⁷да тилимиздаги 500дан зиёд ўхшатишларнинг семантик ва лингвомаданий хусусиятлари лексикографик жиҳатдан ёритиб берилган.

Бугунги кунга қадар олиб борилган тадқиқотларда ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар лингвомаданий жиҳатдан махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу тадқиқот мавзусининг монографик планда ўрганилишини тақазо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «ОТ-Ф1-18. Оммавий лисоний маданиятни шакллантиришнинг метод ва методологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларни лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этиш орқали ўзбек миллатига хос бўлган лисоний манзарани тавсифлаш, миллий маданиятга хос бўлган қадриятлар тизимини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар семантикасида миллий-маданий коннотациянинг ўрнини аниқлаш;

ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларда эталон вазифасини бажарувчи образларни лингвомаданий ёндашувда гуруҳлаштириш;

турғун ўхшатишлар эталонларини лингвомаданий кодлар нуктаи назаридан ёритиш;

ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларни субъектига кўра таснифлаш;

ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларнинг таҳлили асосида ўзбек миллатининг маданий меъёрларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти сифатида Н.Маҳмудов ва Д.Худойбергана⁷лар томонидан тузилган «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»(Тошкент, 2013)да тавсифланган ҳамда бадиий асарлардан олинган турғун ўхшатишлар танланган.

Тадқиқот предмети сифатида ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларнинг миллий-маданий хусусиятлари белгиланган.

⁵Кўнгулов Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 152 б.; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. – 88 б.; Худайбергана Д.С. Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке: Дисс. ...канд.филол.наук. –Ташкент, 1989. – 127 с.

⁶Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ / Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. –Б. 166-175.

⁷Маҳмудов Н., Худайбергана Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишини бажаришда лингвомаданий таҳлил, кузатув, дефиницион таҳлил, компонент таҳлил, қиёслаш, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар ўзбек миллатига хос оламнинг лисоний манзарасини намойиш этувчи лингвомаданий бирликлар эканлиги далилланган;

турғун ўхшатишлар таҳлили орқали ўзбек маданияти меъёрларини аниқлаш имконияти асосланган;

турғун ўхшатишлар воситасида маданий ахборотни ташувчи лингвомаданий кодлар иерархияси аниқланган;

турғун ўхшатишларда оламнинг турли унсурларига оид аксиологик муносабат ва миллий-маданий коннотация реаллашиши асосланган;

ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар воситасида ифодаланувчи ўзбек маданияти таянч қадриятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили турғун ўхшатишлари шаклланишида лисоний шахс баҳо муносабати ҳал қилувчи аҳамият касб этиши далилланган;

турғун ўхшатишларда қўлланган эталонлар биринчи навбатда шу миллатнинг кундалик турмуши реалиялари номларидан таркиб топиши далилланган;

лингвомаданий бирликлар, хусусан, ўхшатишларни тадқиқ этиш учун зарур бўлган лингвомаданий компетенциянинг шаклланиш асослари ёритилган;

турғун ўхшатишларда барча турдаги маданий қадриятлар акс этиши далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилиши, чиқарилган хулосаларнинг қатъийлиги, антропоцентрик парадигмада қўлланган усуллардан фойдаланилганлик ва турғун ўхшатишларнинг лингвомаданий таҳлилида ўзбек тили табиатидан келиб чиқилганлик каби билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларнинг лингвомаданий хусусиятлари аниқланганлиги ва шу асосда ўзбек тили тизимини антропоцентрик парадигма асосида тадқиқ этишнинг назарий асосларига доир янги илмий қарашлар баён этилганлигида кўринади. Диссертацияда келтирилган фикр-мулоҳазалар шаклланиш босқичида турган ўзбек лингвомаданиятшунослигини назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ўзбек тили ўхшатишлари мисолида амалга оширилган лингвомаданий таҳлиллар лингвомаданиятшунослик, маданиятшунослик фанлари бўйича яратиладиган ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашуви учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги ўхшатишларни миллий-маданий коннотациянинг ва маданий меъёр ҳамда қадриятлар ифодачиси сифатида лингвомаданий тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тадқиқотда қиёслаш-ўхшатишнинг инсон когнитив фаолиятидаги ўрни, унинг инсондаги персонификация ва реификация каби тафаккур амалиётлари учун асос бўлиши, ўхшатиш оламини англашга кўмак берувчи гносеологик вазифа бажариши ҳақидаги хулосалардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» номли амалий лойиҳаси асосида аудиомаълумотлар тўпламини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги 89-03-3309-сонли маълумотномаси). Натижада талабаларга оламнинг лисоний манзарасида қиёслаш амалиётининг ўрни, унинг вербаллашуви, лингвомаданиятшунослик, оламнинг қадриятли манзараси, ўзбек лингвомаданиятида олам диний манзарасининг вербаллашуви ҳақида кенг маълумотлар берилган;

турғун бирликлардаги миллий-маданий коннотацияни англаш ҳамда ўхшатишлар таҳлили натижасида аниқланган миллий менталитетга хос бўлган қадриятлар тизими тўғрисидаги хулосалардан А-1-126 рақамли «Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 28 сентябрдаги 89-03-3282-сонли маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда мулоқот малакасини шакллантиришда лингвомаданий компетенция даражаси ошган;

тадқиқотда ва тадқиқотчи томонидан эълон қилинган мақолаларда кўлланган *антропоцентризм, оламнинг лисоний манзараси, оламнинг қадриятли манзараси, маданий компетенция, миллий-маданий коннотация* ва бошқа янги терминларларнинг изоҳларидан ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2019 йил 29 октябрдаги 3/1255-2847-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу терминлар замонавий ўзбек тилшунослик терминологияси тараққиётини кўрсатувчи омил сифатида қайд этилган ва улар иштирокидаги жумлалар иллюстратив мисол тарзида кўрсатилган;

ўхшатишларнинг миллий-маданий хусусиятлари, улардан ўринли фойдаланиш хусусидаги хулосалардан Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг эфирга узатилган «Ижод гулшани», «Маънавият – қалб кўзгуси» кўрсатувлари ҳамда «Андижон – ФМ» радиосининг «Маънавият сарчашмаси» радиоэшиттириши сценарийсида фойдаланилган (Андижон вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 12 сентябрдаги 20-21/55-сонли маълумотномаси). Натижада ушбу телекўрсатув ва

эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли қисқартмалар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 150 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ўхшатишлар ва миллий ўзига хослик»** деб номланган биринчи бобида тилшуносликда антропоцентрик ёндашувдаги тадқиқотларнинг зарурати, бунда лингвомаданиятшуносликнинг ўрни, лингвомаданиятшуносликда оламнинг лисоний манзараси талқини, қиёслаш-ўхшатиш амалиётининг инсон когнитив фаолиятидаги ўрни, ўхшатишларни лингвомаданий тадқиқ этиш муаммолари ёритилган. Ушбу бобнинг биринчи фасли «Лингвомаданиятшуносликда оламнинг лисоний манзараси талқини» деб номланган бўлиб, ушбу фаслда тилнинг тўлиғича субъектив антропоцентрик характерга эгаллиги, замонавий тилшуносликда инсонга ҳам тил субъекти, ҳам маданият субъекти, ҳам билиш субъекти сифатида қаралиши асосланган, оламнинг когнитив манзараси, лисоний манзараси, улар ўртасидаги фарқлар, ушбу фарқларнинг юзага келиш сабаблари, шунингдек, миллий лисоний манзарани тавсифлашда лингвомаданиятшуносликнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган.

Оламнинг концептуал (когнитив) манзараси деганда, биринчи навбатда, ҳиссий идрок этилган, анланган, ҳис этилган манзара тушунилади. Оламнинг лисоний манзараси эса концептуал манзаранинг тилда гавдаланган, ифода топган кўринишидир. Оламнинг концептуал манзараси концептлар йиғиндиси сифатида намоён бўлса, оламнинг лисоний манзараси

тил бирликларининг маънолари йиғиндисидир. Бинобарин, оламнинг лисоний манзараси унинг концептуал манзарасига тенг эмас, унинг тилда ифода топган қисмидир. Ўз ифодаловчисига эга бўлиш эса шу концептнинг миллатнинг амалдаги коммуникациясида тутган ўрни билан белгиланади. Оламнинг концептуал манзараси унинг лисоний манзарасига нисбатан кенг ва серқиррадир. Чунки концептуал манзара яралишида тафаккурнинг турли, жумладан, новербал шакллари иштирок этади. Миллий тил, аниқроғи, унинг эгаси концептуал манзарани миллий-маданий либосга ўрайди.

«Оламнинг лисоний манзараси қуйидаги вазифаларни бажаради: оламни ўзига хос кўришни таъминловчи интерпретатив вазифа; оламда ўз ўрнини аниқлашга имкон берувчи регулятив вазифа; воқеликни концептуаллаштириш ва категориялаштириш вазифалари»⁸.

Маданият оламни акс эттиришнинг ўзига хос усули бўлиб, ушбу амалиётнинг натижаси эса миллат онгида миллий-ментал концептлар шаклида сақланади. Лингвомаданиятшуносликнинг вазифаси миллат миллий-маданий менталлигини акс эттирувчи тил бирликларининг маданий мазмунини ёритиш; унинг тили орқали маданий стереотипларни аниқлаш ва улар воситасида ушбу маданиятнинг қадриятлар тизими, умуман, идрок интизомини⁹ очишдир.

Бобнинг «Қиёслаш-ўхшатишнинг инсон когнитив фаолиятидаги ўрни» деб номланган иккинчи фаслида инсоннинг оламни идрок этишида қиёслаш-ўхшатиш амалиётининг ўрнига фалсафий, психологик нуқтаи назардан ёндашилган бўлиб, замонавий фалсафада, психологияда ушбу амалиётнинг ишлаш механизмига доир қарашлар ўрганилган.

Маълумки, тафаккур жараёни алоҳида ақлий операциялар тариқасида содир бўлади. Шу операциялар қаторида дастлабки ўринда қиёслаш операцияси тилга олинади¹⁰, инсон тафаккури таянадиган «пойдевор», биринчи навбатда, ана шу таққослаш ёки қиёслашдан иборатдир. «Воқеликнинг инсон онгида акс этишида энг муҳим махсус жараён бу ўхшатишдир – унинг ёрдамида онг <...> айният ва фарқларни ажратади»¹¹.

Психологияда қиёслаш операцияси инсон томонидан теварак оламни, унда ўзининг ўрнини идрок этишдаги, шунингдек, когнитив-коммуникатив масалалар ечимига қаратилган энг муҳим операциялардан бири сифатида тан олинади. Ҳар қандай мантиқий баҳо муносабатининг асосида айнан шу операция этади, деб ҳисобланади¹². Тилшуносликда қиёслаш маълум бир миллатнинг тарихий тараққиёти натижасида эга бўлган билимлари

⁸Краснова И.А. Концепт *честь* в русской языковой картине мира. – Канада, 2010. – С. 25-26.

⁹Ишимизда Н.Маҳмудов томонидан қўлланган *идрок интизоми* бирикмасига илмий термин сифатида қараганмиз. Интизом – “тартиб”, “изчиллик”экан, фикримизча, тил жамоаси эга бўлган миллий специфик, маданий ҳамда эстетик қадриятлар таъсирида шакланган дунёни қабул қилиш тарзини айнан “идрок интизоми” деб аташ мумкин. Қаранг: Маҳмудов Н. Тилимизнинг тилла сандиғи. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012. – Б. 10.

¹⁰Иванов П.И. Психология. – Тошкент, 1957. – Б. 188.

¹¹ Хилл Т.И. Современные теории познания. – М.: Прогресс, 1965. – С. 68.

¹² Самойленко Е.С. Проблемы сравнения в психологическом исследовании. – М.: Институт психологии РАН, 2010. – С. 8.

натижаларининг лисонда акс этган кўриниши сифатида талқин қилинади. Ўхшатиш ўз моҳиятига кўра икки босқичга эга ҳодисадир. Бунда биринчи босқич дунёни билиш усули, бошқача айтганда, ақлий операция бўлиб, бунда «А» предмет ёки ҳодисанинг «В» билан ўхшашлигини аниқлаш мақсадида ёки умуман, «А»нинг номаълум хусусиятларига уни «В»га солиштириш орқали ойдинлик киритиш мақсадида қиёсланади. Ушбу босқичнинг натижаси «А» ва «В» ўртасидаги ўхшаш томон – «С» хусусиятнинг аниқланишидир. Агар «С» хусусият аниқланса, кейинги – иккинчи босқич амалга ошади. Яъни энди икки қиёсланаётган объект билан бирга, учинчи узвга ҳам катта эътибор қаратилади ва ўхшатиш шаклланади. Замонавий фалсафада «айният», «алоқадорлик», «фарқлилик», «зиддият» каби қиёс асосидаги тушунчалар эътироф этилади.

Ўхшатиш оламни идрок этиш жараёнида ўта муҳим ақлий операция бўлиб, унинг амалини биз персонификация ва реификацияда кўришимиз мумкин. Маълумки, «*Персонификация* – кишига хос нарса, белги, ҳаракат кабиларнинг жонсиз предметга кўчирилишидан иборат услубий қўлланиш»¹³, бошқача айтганда, «жонлантириш орқали қиёслаш»¹⁴дир. Масалан, *иморатларнинг қад кўтариши, хатнинг келиши, шамолнинг шивирлаши* ҳақида сўз юритиш персонификация натижасидир. Унинг оламни идрок этишдаги ўрнига баҳо беришда катта қадам – дастлабки метафоралар яралишига ҳам асос бўлганлигини эътироф этиш лозим. *Реификация* эса (инг. *reification* - предметлаштириш) бирор-бир идеал ҳодисани моддий мавжудлик сифатида тасаввур этиш¹⁵, мавҳум ғоя ва тушунчаларни предметлаштириш¹⁶дир. *Ширин ҳид, ширин ташиш, қайноқ хабар, фикр олмоқ, ғоя бермоқ* каби мулоҳазалар инсон онгидаги реификация натижаси бўлиб, улар оламни идрок этишни осонлаштиради, ҳиссий идрок этилмаган моҳиятларни англаш учун имконият яратади¹⁷. Масалан: *Лекин мен энамнинг кўзлари ичида мунг, изтироб, андуҳ пайдо бўлганини, аммамнинг гапларини кўнглининг тубига ўтказиб юборганини, ўша туб-тубда худди пўртанадай бир нарсалар қайнаб-вақирлаб, титраб ётганини кўрдим...* (Назар Эшонкул. Бепоен осмон). Бунда кўнглининг идишга, салбий ҳиссиётларнинг пўртанага ўхшатилиши – реификациясини кузатиш мумкин. Демак, персонификация ҳамда реификация инсон когнитив фаолияти натижалари, улар учун асос эса инсон тафаккуридаги қиёслаш-ўхшатиш амалиётидир.

Хуллас, фалсафий нуқтаи назардан умуман қиёс, хусусан унинг вербаллашган кўринишлари бўлмиш ўхшатиш ва унинг ривожланган

¹³Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. – Б. 130.

¹⁴Миртожиёв М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1973. – №4. – Б. 36.

¹⁵<https://sociologicheskaya.academic.ru/1005>

¹⁶<https://ru.wiktionary.org/wiki>

¹⁷ Микешина Л.А. Эпистемиологическое оправдание гипостазирования и реификации // Вопросы философии. http://vphil.ru/index.php?option=com_content&task=view&id=236

варианты – метафора¹⁸ оламни англашга кўмак берувчи гносеологик – когнитив вазифа бажаради. Уларни лингвомаданий жиҳатдан ўрганиш эса ўхшатишларнинг миллий-маданий семантикасини очишни, унда акланган миллий аксиологик нигоҳ – ўзига хос оламнинг лисоний манзарасини тушуниш имконини беради.

Бобнинг учинчи фасли «Ўхшатиш ва ўхшатиш иштирок этган матнларнинг ўрганилиш тарихи» деб номланади. Ўзбек тилшунослигида ўхшатишлар тадқиқи бўйича олиб борилган ишлар сирасида Р.Кўнғуров, М.Мукаррамов, Д.Худойбергана¹⁹ларнинг тадқиқотларини кўрсатиш мумкин. Бу ишларда ўхшатишлар семантик-грамматик, семантик-стилистик, синтактик-шаклий жиҳатдан ўрганилган. Ўзбек тилшунослигида ўхшатиш иштирок этган матнлар тадқиқида ҳам уларга муносабат билдирилган.

XX аср охири ва XXI аср бошларида жаҳонда тил бирликларига антропоцентрик нуқтаи назардан қизиқиш лингвомаданиятшунослик тармоғидаги изланишларни ривожлантирди²⁰. Тил бирликларини инсон психологияси, когнитив фаолияти, миллат маданияти ифодачилари сифатида тушуниш турғун конструкциялар, жумладан, ўхшатишларга этномаданий феномен сифатида қарашга асос бўлди. Рус тилшунослигида Л.Г.Бойко²¹ ва Ю.Фенин²²лар томонидан турғун ўхшатишлар лингвомаданий жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларнинг баҳо муносабати ҳамда миллий-маданий коннотация акс этган маданий маркерланган мундарижаси ёритилган. Рус тилидаги ўхшатишлар қардош тиллардаги ўхшатишлар билан қиёсланган, шунингдек, ноқардош тиллардаги ўхшатишлар билан чоғиштирилган ишлар талайгина²³.

Ўзбек тилшунослигида ўхшатишларни антропоцентрик ёндашув асосида ўрганиш борасида айрим ишлар амалга оширилган. Ўзбек тилида

¹⁸Метафора ва ўхшатиш ўртасидаги фарқларни Г.Қобулжонова ўз тадқиқотида изчил асослаб берган. Бу ўринда ўхшатиш ва метафоранинг ҳар иккиси учун умуман аналогия асос бўлиши нуқтаи назардан ёндашилди. Қаранг: Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: Филол. фан. номз. дис... автореф. – Тошкент, 2000. – 23 б.

¹⁹Кўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1977. – 152 б.; Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент: Фан, 1976. – 88 б.; Худайбергана Д.С. Семантический и стилистический анализ конструкций уподобления в узбекском языке: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 127 с.

²⁰G.V. Toward a Theory of Cultural Linguistics. – Austin: University of Texas Press, 1996. – 348 p.; Лихачев Д.С. Концептосфера русского языка // Русская словесность: Антология / под. ред. В.П. Нерознака. – М.: Академия, 1997. – 317 с.; Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека, 2-е изд. испр. – М.: Языки русской культуры, 1998. – 896 с.; Иванова С.В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. ... д-ра филол. наук, 2003. – 364 с.; Карасик В.И. Лингвокультурные концепты: подходы к изучению / Социоллингвистика вчера и сегодня. Сб. научных трудов. – М., 2004. – С. 136-146.

²¹Бойко Л.Г. Культурно маркированное содержание устойчивых сравнений русского языка: Дисс. ...канд. филол. наук. – Волгоград, 2009. – 218 с.

²²Фенин Ю. Устойчивые сравнения, характеризующие лицо человека, в русской языковой картине мира (на фоне китайского языка): Дисс. ...канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2016. – 255 с.

²³Кабанова Н. М. О формировании признаковой базы компонентов-анимализов в устойчивых сравнениях польского и болгарского языков // Идеография и историко-этимологический анализ славянской фразеологии / Международный комитет славистов, Комиссия по славянской фразеологии. – Псков, 1994. – С. 47-49; Кузнецова И. В. Устойчивые сравнения русского языка (в сопоставлении с украинскими и сербохорватскими): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Санкт-Петербург, 1995. – 24 с.; Подхомутников В.Г. Лингвокультурологические особенности устойчивых сравнений в русском и английском языках (на примере идеографического поля “Внешность”): Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Омск, 2002. – 19 с.

Ўхшатишларнинг лингвомаданий жиҳатларига эътибор Н.Маҳмудовнинг «Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули»²⁴ номли мақоласидан бошланган, дейиш мумкин. Олим лисоний универсалиялар қаторига кирувчи ўхшатишлар “тил эгаларининг дунёни миллий кўриши ва миллий англанишини акс эттиргани учун ҳар бир тилда бетакрор ва ноёб ходиса»²⁵ эканлигини таъкидлаб, уларни компаратив троплар сифатида ўрганиш муҳим эканлигига эътибор қаратади.

Н.Маҳмудов «Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ» номли мақоласида турғун ўхшатишларни миллатнинг идрок интизоми, менталитетини акс эттирувчи бойлиги сифатида таърифлайди, уларда акс этган баҳо муносабатида миллий-этник идрок ҳал қилувчи роль ўйнашини кўрсатади²⁶. Шунингдек, 2013 йилда ўзбек тилида биринчи бор «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати» нинг яратилиши бу борадаги изланишларнинг ёрқин самараси бўлди. Луғатда ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар илк бор семантик ва лингвомаданий жиҳатдан изоҳланди²⁷.

Шундай бўлса-да, шу кунгача ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар лингвомаданий жиҳатдан махсус тадқиқ қилинган эмас. Яъни ўхшатиш эталонларининг миллий лингвомаданиятда тутган ўрнини тадқиқ этиш тил эгаларининг тилда аксланган қадриятлар тизимини, миллий ўзига хос нигоҳини очиш имконини беради.

Тўртинчи фасл «Ўхшатишларни лингвомаданий тадқиқ этиш муаммолари» деб номланган. Лингвомаданиятшунослик тилшунослик ва маданиятшунослик фанлари кесишувида ҳосил бўлган фандир. У тилни маданиятнинг ифодачиси сифатида ўрганади ва ўз объектининг табиатидан келиб чиқиб, унда когнитив ёндашув билан бирга ўзига хос «эркинлик»ка интилиш табиий. Маданиятнинг ижтимоий характери шунга имкон бериб, соф илмий, формал талқинлар унинг моҳиятини тўлиқ ёрита олмайди. Н.Алефиренко айтганидек, «лингвомаданиятшунослик объектининг тадқиқи қатъий илмийлик билан бирга, эркин фантазия эҳтиёжига эга: бунда нарративлик, бадий фикрлаш ҳамда чуқур методологик таҳлил узвийлигини назарда тутувчи комбинациялашган ёндашув зарур»²⁸. Дарҳақиқат, лингвомаданий тадқиқотнинг мақсади маданий-лисоний ўзига хосликларнинг воқеланиш шакллари тавсифлашдир. Шунга кўра, тил фактларига дастлаб икки хил: қиёсий ва интроспектив ёндашувни ажратиш мумкин. Қиёсий ёндашув бир тил фактларини бошқа тил ва маданият билан қиёслашни назарда тутаяди. Бу улар учун умумий ҳамда миллий ўзига хос хусусиятларни белгилаш имконини беради. Интроспектив ёндашув эса

²⁴Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли миллий тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24.

²⁵Маҳмудов Н. Кўрсатилган мақола. – Б. 10.

²⁶Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий нигоҳ/Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. – Б. 166-175.

²⁷Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – 320 б.

²⁸ Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. – М.: Флинта, 2014.– С.38.

тажриба асосига қурилади ҳамда миллий-маданий ўзига хосликларни шу тилдаги матн таҳлили орқали очишни назарда тутлади. Ўз навбатида, қиёсий ва интроспектив методлар ҳамкорлиги, бир томондан, этноцентризм – бир тил ва маданият меъёрлари универсал меъёр деб ҳисобланишидан, бошқа томондан, тилларнинг тавсифида системавийлик бузилишидан қочишга имкон беради²⁹.

Шундай қилиб, ўхшатишларни таҳлил этишда лексик-семантик таҳлил асосий ўринни эгаллагани ҳолда, миллий идрок интизомини бошқарган лингвомаданий билимлар захирасини таҳлил этиш учун кўп ҳолларда таҳлилга этимологик, энциклопедик, тарихий-маданий, фольклор маълумотларини жалб этиш ҳамда ассоциатив тажриба усуллари комбинациясидан фойдаланиш лозим бўлади. Уларда акс этган миллий ўзига хосликка баҳо бериш учун эса бошқа тиллардаги шундай birlikлар билан қиёслаш мумкин.

Диссертациянинг «**Турғун ўхшатишлар миллий-маданий коннотациянинг ифодачиси сифатида**» деб номланган иккинчи боби ўхшатишларда миллий-маданий коннотациянинг акс этиши, маданий ахборотнинг ўхшатишлар орқали кодлаштирилиши масалаларига бағишланган.

Бобнинг биринчи фасли «Коннотация миллий-маданий ахборот ифодачиси сифатида» деб номланади. Коннотация тилшуносликда кенг тадқиқ этилган, шу билан бирга, турлича талқин этилувчи муаммолар сирасига киради. Адабиётларда бу тушунча тил birlikларининг аташ (денотатив) маънолари устига қўйилган эмоционал, аксиологик (баҳо) ва услубий бўёқни ифодаловчи қўшимча маънолар сифатида талқин этилади. Аксарият олимларнинг таъкидига кўра, маъно тараққиёти натижасида тилдаги айрим лексик birlikларнинг семантик структурасида ахлоқий, психологик, диний омиллар таъсирида миллий-маданий коннотатив узв юзага келади³⁰. Н.Маҳмудов М.Миртожиевнинг сўзнинг семантик структураси таркибида миллийлик узви, яъни миллийлик коннотациясининг мавжуд бўлиши ҳақидаги фикрларига эътибор қаратади³¹ ҳамда сўз маъносининг коннотатида жамиятнинг сўз атаётган тушунчага муайян муносабати ўз аксини топишини таъкидлайди³².

Коннотация турғун ўхшатишлар семантикасида марказий ўринни эгаллайди, чунки «улар маълум тил жамоасининг воқеликнинг у ёки бу реалияси тўғрисидаги ассоциатив-образли тасаввурларини акс эттиради, ўзида у ҳақда маданий маркерланган ахборотни сақлайди»³³.

²⁹ Иванова С. В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. ...д-ра филол. наук. – Уфа, 2003. – С. 31-32.

³⁰ Қаранг: Сабитова З.К. Лингвокультурология. – М.: Флинта: Наука, 2013. – Б. 183.

³¹ Маҳмудов Н. Тил сиёсати ва сиёсат тили / Тил тилсими тадқиқи. –Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. – Б. 22.

³² Маҳмудов Н. Ўша ерда.

³³ Бойко Л.Г. Культурно маркированное содержание устойчивых сравнений русского языка: Дисс. ...канд. филол.наук. – Волгоград, 2009. – Б. 47.

Миллий-маданий коннотация тил бирликларининг миллий нигоҳ, турғунлашган маданий қарашлар призмасидаги маъно қирраларидир. Турғун ўхшатишлар семантикасида миллий-маданий коннотация маънонинг баҳо узви орқали воқеланади. Баҳо узвининг маданий аҳамияти эса ўзбек лингвомаданиятидаги турли аксиологик маълумотлар, уларнинг иерархияси, асосийси, ижобий ва салбий баҳо муносабати орқали шаклланади. Бунда миллатнинг қадриятлари, асрлар давомида шаклланган маданий меъёрлари муҳим аҳамият касб этади. Қиёслаш амалиётида инсон баҳо объекти бўлганда ҳам, баҳо субъекти бўлганда ҳам мезон унинг ўзидир. Бу инсон олам узвларига баҳо бераётганда ҳар қандай ҳолатда ўзининг эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари ва бошқа қарашлари асосий мезон вазифасини ўташини англатади. Шундай қилиб, тил белгиси семантикасида реаллашган баҳо муносабати маданий коннотацияни акс эттиради. Масалан, *занжи* ёки *ҳабаш* «қора танли», яъни тарихан «бегона» экани, *маст*, *савдойи*, *телба* ёки *девона* «ақли заиф», «ўзини тута билмайдиган» экани билан салбий баҳоланади. Уларнинг лисоний белгиси эталон вазифасини бажарган *занжидек* / *ҳабашдек қора(инсон)*, *мастдек* / *савдойидек* / *телбадек* / *девонадек* (*хатти-ҳаракат*) ўхшатишлари салбий миллий-маданий коннотацияни акс эттиради. Уларда юқорида тилга олинган инсоннинг эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари ва бошқа қарашлари «бошқарувчилик» қилади. Шундай «бошқарувчи» омиллар таъсирида ўзбек миллий идрок интизомида *чинор* бақувватлик, *узоқ*, *давомли* умр каби ижобий коннотацияларга эга. Коннотациялар орқали маданият стереотиплари тилда мужассамланади, улар орқали авлоддан авлодга етказилади.

Бобнинг иккинчи фасли «Ўхшатиш эталонлари орқали миллий-маданий стереотипларнинг кодлаштирилиши» деб номланган бўлиб, ушбу фаслда ўхшатиш эталонлари маданий кодлар нуқтаи назаридан таснифланган ҳамда уларнинг миллий-маданий коннотациялари аниқланган.

Маълумки, *код* ва *белги* тушунчалари белгиларни ўрганувчи фан – семиотиканинг марказий тушунчалари ҳисобланади. «Социал ахборотнинг ҳар қандай моддий ифодаловчилари белги ҳисобланади»³⁴. Дастлаб математика ва информатика фанлари доирасида кенг қўлланишда бўлган код тушунчаси гуманитар соҳаларда ҳам қўлланила бошланди. Бунда белгилик характерига эга тил ҳамда маданият алоҳида аҳамиятга эга. Улар белгилар воситасида халқнинг тажрибаси ва меъёрларини келгуси авлодга етказди.

Код ҳақида гапирганда муҳим бир жиҳат эътиборга олиниши лозим – кодлаштирилган ахборот – шифрланган ахборотдир, бунда дешифровка босқичи бўлиши шарт. Бу борада М.Л.Ковшованинг изоҳи диққатга сазовор: «семиотикада *код* белгилар синфини ҳамда уларнинг интерпретатор томонидан «ўқилиш» қоидаларини ифодалайди, улар, ўз навбатида, у ёки бу соҳадаги билим, у ёки бу маданият билан, интерпретаторнинг компетенцияси билан шартланган бўлади. Шундай қилиб, семиотикада *белги* ҳамда уни

³⁴Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 57.

мазмунан тўйинтирувчи, интерпретатор учун шифрланган ахборотни “ўқиш” имконини берувчи код ажратилади»³⁵.

Демак, юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда маданий кодни ўзида маданият устуворликларини акс эттирувчи асосий тушунча, кўрсатма, кадрият ва меъёрлар йиғиндиси сифатида таърифлаш мумкин. Маданият кодлари турли моддий қобикда – турмуш реалиялари, флора ва фауна вакиллари ва бошқалар кўринишида бўлиши мумкин. Инсон онгида улар, умуман, билимлар, тасаввурлар, ассоциациялар кўринишида акс этади³⁶.

Адабиётларда соматик код, маконий код, темпорал код, предметли код, биоморф код, маънавий код³⁷, мифологик код, теоморф код, ранг-тус коди кабилар ажратилади. Г.В.Токарев биоморф код, фетиш (предметли) код, анимик, акционал код кабиларни кўрсатади³⁸. Маданият кодлари ҳақида фикр юритганда уларни лингвомаданий кодлар билан аралаш қўллаш ҳолатлари кузатилади. Лингвомаданий код маданият кодининг вербаллашган кўринишидир.

С.В.Иванова ва З.З.Ченишева стереотипларнинг этномаданий коннотацияси, асосан, метафорик ва метонимик кўчимлар, ўхшатишлар, ибора ҳамда мақолларда кўринади, деб ҳисоблайди³⁹. Дарҳақиқат, маданият кодлари тилда асосан турғунлик касб этган бирликлар – мақол, ибора, метафора ва турғун ўхшатишлар орқали аниқланиши мумкин⁴⁰. Улар орқали маданий мазмун лисоний мазмунга «кўчади». Масалан, *кўз қорачигидек асрамоқ* турғун ўхшатиши қимматли ниманидир авайлаш, асрашни билдиради. Масалан, *Қани, бирортаси кўз олайтириб кўрсин-чи? — Бўлмайди, — деди инспектор. — Халқ мулкани кўз қорачигидай асраш керак, раис!* (С.Аҳмад. Азоб) гапида қўлланган ўхшатиш “ёруғлик-зулмат”, яъни “эзгулик ва ёвузлик” зиддияти акс этган оламни қабул қилишнинг энг қадимги мифологик шаклига бориб тақалади. Кўз – оламни идрок этишнинг асосий воситаси. Инсон ҳаётида унинг ўрнини бошқа сезгилар эгаллаши мумкин эмас. Инсоннинг кўзлари оламни инсонга олиб киришдан ташқари, унинг ўз ички оламига ҳам олиб кириши мумкин деб ҳисобланади. Эътибор беринг: *Унинг кўзларида шундай бир кўркүв, шундай бир даҳшат бор эдики, мен ҳеч қачон ўрни тўлмайдиган ёмон бир нарса рўй берганини ҳис қилдим-у, ўрнимда қоққан қозикдай қотиб қолдим* (О.Ёқубов. Яхшилик). Ушбу парчада қаҳрамоннинг руҳий ҳолатлари унинг кўзи орқали “ўқилмоқда”. Демак, кўзлар – олам ва инсон ўртасидаги кўприқдир, унинг инсон учун оламни идрок этишида ниҳоятда зарур эканлиги уни бевосита ҳиссий идрокка бўйсунмайдиган нарсаларни “кўрувчи” сифатида ҳам

³⁵Ковшова М.Л. Лингвокультурологический метод во фразеологии. Коды культуры. Изд. 2-е. – М.: Книжный дом «ЛИБРОКОМ», 2013. – С. 169.

³⁶Ковшова М. Л. Кўрсатилган манба. – Б. 174.

³⁷Сабитова З.К. Лингвокультурология. – М.: Флинта: Наука, 2013. – С. 31-37.

³⁸Токарев Г.В. Лингвокультурология. – Тула: Издательство ТГПУ им. Л. Н. Толстого, 2009. – С. 40.

³⁹Иванова С.В., Ченышева З. З. Лингвокультурология: проблемы, поиски, решения: Монография. – Уфа: РИЦ БашГУ, 2010. – С. 327-328.

⁴⁰Худойберганова Д. Лингвокультурологияда маданий код тушунчаси ва талқини//Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2019. –№3. – Б. 30.

кодлаштиради. Кўринадика, кўриш сезги аъзоси бўлган кўзларни эҳтиёт қилиш, авайлаб-асраш лозим бўлади. Шундай қилиб, *кўз қорачигидек асрамоқ* ўхшатиши қўлланган курилмаларда ўхшатиш объекти юксак кадрли, аҳамиятли нарса экани ҳақидаги маданий мазмун мужассамланган. Бу соматик код ҳисобланиб, ўзбек тилидаги турғун ўхшатишлар орқали асосан *халқ мулкани, Ватанни, фарзандни, хурриятни, бировнинг омонатини, мўътабар зиёратгоҳларни* асраб-авайлаш унинг ёрдамида ифодаланади⁴¹. Демак, бундай ўхшатиш қўлланган объектлар ўзбек маданиятида жуда ҳам эҳтиётланиши лозим бўлган нарсалар эканини тушуниш мумкин. Лингвомаданий коднинг моҳияти шунда – у орқали маданият меъёрлари, стереотиплари, кадриятларини англаш мумкин.

Тил эгалари томонидан ўхшатишлар учун танланган кодлар – образлар уларнинг миллий-маданий эталон ва стереотиплар билан алоқасини кўрсатади. Шу тарзда ахборот образли асоснинг маданият билан боғлиқлигини акс эттирувчи коннотацияларда мужассамланади. Н.Маҳмудов «Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати»га ёзган муқаддимасида қайд этганидек, «Турғун ўхшатишлар такрибидаги ўхшатиш образи, яъни ўхшатиш эталони алоҳида аҳамият касб этади... Халқнинг дунёни тасаввур этиши ва англашидаги ўзига хослик, яъни миллий-маданий ва миллий-коннотатив маълумот бевосита айна шу ўхшатиш эталонида тажассум топади»⁴². Шу сабабли тадқиқотда ўхшатишларда акс этувчи лингвомаданий кодлар *маиший турмуш реалиялари* (115 та), *фауна* (83 та), *флора* (41 та), *табиат ҳодисалари ва унсурлари* (61та), *инсон* (61 та), *диний, мифологик ва фольклор персонажлари* ҳамда *бошқалар* (62 та) гуруҳларига кирувчи эталонлар мисолида аниқланди. Статистик таҳлиллар турғун ўхшатишларда қўлланувчи энг кўп эталон лексемалар маиший турмуш реалияларини ифодаловчи предметли код билан боғлиқ эканини кўрсатди. Бундан ташқари, уларнинг катта қисми ўзбек хонадони реалияларидир. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, турғун истиқомат қилувчи ўзбек миллати учун оила (аслида, оилавий муносабатлар) асосий кадриятлардан бири ҳисобланади. Уларнинг ўхшатишларда эталон вазифасида қўлланиш частотаси юқорилиги хусусида сўз юритганда уй-рўзғор буюмлари инсонга жуда қадимдан – энеолит давридан ҳамроҳ эканини унутмаслик керак. Уйдаги рўзғор ашёлари бирламчи эътиборга лойиқ эканини ўхшатишларга асос бўлган эталонлар сони (115 тадан 54таси) ҳам тасдиқлайди. Эътибор беринг: *баркаш, бўйра, гугурт, елпиштовоқ, ёстиқ, капгир, кетмон, косов, кўзгу, кўмир, курак, кўрна, қозиқ, ўқлов, қошиқ, меш, мих, нон, ойна, омбир, патнис, пиёла, сават, сандиқ* ва бошқ.⁴³.

⁴¹Қаранг: Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавият, 2013. – Б. 119.

⁴²Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Кўрсатилган луғат. – Б. 10.

⁴³Қаранг: Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Кўрсатилган луғат.

Биоморф код – ҳайвонлар ёки ўсимликлар билан боғлиқ код⁴⁴ бўлиб, уни ҳайвонлар, ҳашаротлар, қушлар ва ўсимликлар номи акс эттиради. Инсон ўзини табиатнинг қисми сифатида тасаввур этади. Табиатда унинг энг яқин кўшнилари эса ҳайвонот ҳамда ўсимликлар олами вакиллари дир. Ўхшатишларда биоморф код орқали инсоннинг деярли барча хусусиятлари акс эттирилиши мумкин: жасурлик – *бургутдек, қарчигайдек*; бақувватлик – *айиқдек, арслондек, йўлбарсдек, нордай, филдек, шердек*; машаққатли меҳнат қилиш – *итдек, эшакдек, молдай, чумолидек*; аврамоқ – *ўргимчакдек, илондек* кабилар шулар жумласидандир. Турғун ўхшатишларда биргина *ит* эталони орқали инсоннинг 13 хил ҳолат, хусусият ва ҳаракатлари ифодаланиши мумкин⁴⁵. Ўзбек тилидаги ўхшатишларда ўзининг салбий коннотациялари туфайли салбий муносабатни яққол ифодаловчи код *илондир*⁴⁶. Фауна гуруҳи вакилларининг кўпини амбивалент эталонлар деб аташ мумкин. Масалан, юқорида кўриб чиқилган *арслон, бургут, қарчигай, қоплон* каби зоолексемалар ташланиш, ҳамла қилиш маъносини ифодалаганда йирткичлиги туфайли салбий баҳоланса, шу эталонлар воситасида мардлик, бақувватлик хусусиятлари ифодаланиб, уларнинг ижобий коннотациясини кўрсатади.

Табиат гуруҳидан 61 та эталон ўрин олган бўлиб, ундаги лексемаларнинг катта қисми – 62% ижобий, 38% салбий коннотацияга эга. Бу уларнинг ички шакли билан шартланган. Чунки *гулдурак, довул, дўл, кўчки, момақалди роқ, нўртана, сел, ўпқон* ва *қуюн* сингариларнинг кўпчилиги инсонга хавф солувчи офатлар дир. Ушбу гуруҳ эталонларидан табиат ходисалари кўпроқ инсон ҳиссиётларини (*дарёдек / нўртанадек тошмоқ, уммондек / денгиздек тўлқинланмоқ*); ҳаракатларини (*селдек / қуюндек / кўчкидек ётирилмоқ*) ҳамда предметлар олами унсурларининг ранг-туси ва бошқа хусусиятларини ифодалашда фойдаланилади. Инсонларга хос ҳолат, хусусиятлар эса кўпроқ биоморф ёки антропоморф кодлар орқали ифодаланади. Ушбу гуруҳда энг кўп қўлланувчи антропоморф код *бола* ҳамда *одамдир*.

Ўзбек тили ўхшатишларида ғайритабиий куч-қудрат, гўзаллик ёки хунуқлик, гуллаб-яшнаган жой ёхуд кўрқинчли, қоп-қоронғи жой кабиларни тасвирлашда мифологик код – образларга мурожаат этилади. Масалан, бақувватлик, забардастлик образлари сифатида *дев, алп Рустам, Алпомиш, Фарҳод* каби мифологик ва фольклор персонажлари қўлланилади: *Кўз ўнгига кўк оти келди. Алпомишдай келбатидан гапирмай, Ўн саккиз ёшга ҳам кириб ё кирмай...*(М.Юсуф. Ўғлонлар); *Таъбир жоиз бўлса, бу ерда Фарҳоддек жасур, келбатли, тоғни талқон қиладиган йигитлар ишлайди* («Учқудук» газетаси).

⁴⁴Худойбергана Д. Лингвокультурология терминларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015. – Б. 7.

⁴⁵Маҳмудов Н., Худойбергана Д. Кўрсатилган луғат. – Б. 97-101.

⁴⁶Маҳмудов Н., Худойбергана Д. Кўрсатилган луғат. – Б. 92-95.

Демак, ўзбек тилидаги турғун ўхшатишларда энг кўп қўлланувчи лингвомаданий код предметли (артефакт ва натурфактлар) код бўлиб, кейинги ўринларда биоморф, антропоморф, мифологик ҳамда соматик кодлар жойлашади. Турғун ўхшатишлар семантикасида образлилик билан бирга баҳо муносабати муҳим ҳисобланади. Шу сабабдан диссертацияда эталонларда акс этган ижобий ва салбий баҳолар нисбати статистик усулда таҳлил қилиниб, миқдор ва фоизларда кўрсатиб ўтилди.

Диссертациянинг «Турғун ўхшатишларда ўзбек маданияти меъёр ва қадриятларининг акс этиши» деб номланган учинчи бобида тил субъекти ҳамда маданият субъекти бўлган лисоний шахс муаммоси ёритилди, турғун ўхшатишлар асосида ўзбек лингвомаданиятида турғунлашган маданий меъёрлар ҳамда қадриятлар аниқланди.

Бобнинг биринчи фасли «Лисоний шахс, баҳо ва қадрият» деб номланган. «Маданиятнинг ривожланиш жараёни ижодкорликнинг субъекти саналган шахснинг шаклланиш жараёни билан бирга кечадиган ҳодисадир»⁴⁷. «Маданиятнинг тилга таъсири лисоний шахс орқали амалга ошади. Шунингдек, тилнинг маданиятга таъсирини амалга оширувчи таянч ҳам лисоний шахсдир»⁴⁸. Зеро, лисоний шахс, албатта, маълум маданият, шу маданиятга хос идрок интизоми вакили бўлади. Шахснинг қадриятли қарашлари, мотивацион олами, унинг ижтимоий муносабатлар ва меъёрлари тизими, шунингдек, ўзига бўлган муносабати унинг моҳиятини ташкил этади⁴⁹. Ўхшатишдан мақсад баҳолаш, бошқача айтганда, «шу ўхшашлик асосида сўзловчининг мазкур объектга субъектив муносабатини ифодалашни ҳам назарда тутати»⁵⁰. Демак, бунда субъектив ва ижтимоий баҳо ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу сабабли Н.Ф.Алефиренко лингвомаданиятшунослик муаммоларини қадрият, баҳо ва мазмун категорияларисиз ўрганиш мумкин эмас деб ҳисоблайди⁵¹.

Фалсафада қадрият воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунчадир.

Қадрият ва баҳо жуда ҳам яқин муносабатдаги тушунчалардир. «Қадрият баҳоловчи субъект ва баҳолаш жараёнисиз мавжуд бўлмайди»⁵². Масалан, инсоннинг ҳаётида ижобий баҳоладиган нарсалар қадрият сифатида қабул қилиниши мумкин. Аслида, қадрият маълум бир объект (кенг маънода) эмас, шу объект ўзида сақлаган мазмунга бўлган муносабат – идеал ҳодиса ҳисобланади. Масалан, христианлар учун азиз-авлиёлар акс этган расм – икона қадрият бўлиши мумкин. Аммо у аслида қадриятли

⁴⁷Гулметов Э., Қобилжоновна Т., Эрназаров Ш., Маврулов А. Маданиятшунослик. – Тошкент, 2000. –Б. 44.

⁴⁸Иванова С. В. Лингвокультурологический аспект исследования языковых единиц: Дисс. д-ра филол. наук. – Уфа, 2003. – С. 46.

⁴⁹Реан А.А. Психология личности. Социализация, поведение, общение. – М.: АСТ, 2007. – С. 13.

⁵⁰Махмудов Н., Худойбергана Д. Кўрсатилган луғат. – Б. 12.

